XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 3 - noyabr VI-59-138-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига маблағ ажратиш тўғрисида

1-октябр “Устоз ва мураббийлар” куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирларига муносиб тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 50,0 (эллик) млн. сўм маблағни туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими (А.Суюнов)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров) маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамига ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**